

ISSN : 3030-3974

MAKON VA ZAMON

Пространство и время
Space and time

2

2024

MAKON VA ZAMON

**ilmiy-falsafiy, ijtimoiy-iqtisodiy, siyosiy-sotsiologik,
ma'naviy-ma'rifiy jurnal**

2024/2 (№2)

M u a s s i s l a r: Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini
mexanizatsiyalash muhandislari instituti» milliy tadqiqot universiteti
va O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati

Tahririyat: *t.f.d., professor, akademik O.Salimov, f.f.d., professor*
M.Abdullaeva, s.f.d., professor A.Muminov, f.f.d., professor O'.Abilov, p.f.d., professor
R.Choriev, p.f.d., professor Z.Ismoilova, s.f.d. – A.Ravshanov.

ISSN 3030-3974

Bosh muharrir – tahririyat rahbari:

Qiyom Nazarov - f.f.d., professor

Nashrga tayorlovchilar:

M.Tursunova, Q.Kdirbayev

Tahririyat manzili: Qori Niyoziy ko'chasi, 39,
Toshkent shahri, 100000,

Bichimi 60x84 Ofset qog'ozi. "Times" garniturasini.

Hajmi 20 b.t. Nashriyot hisob tabog'i 30 b.t. Adadi 300 nusxa

МАДАНИЯТШУНОСЛИК МУСТАҚИЛ ФАН СИФАТИДА

Г.Нишонбоева

Маданиятшунослик бўйича
фалсафа докори (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада маданиятшуносликнинг замонавий йўналишлари ва унинг муҳим хусусиятлари, унинг долзарб мавзулари, асосий мақсади ва вазифалари билан боғлиқ масалалар ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: маданият, маданиятшунослик, маданият тарихи ва назарияси, маданият экологияси, маданият фалсафаси, маданият психологияси, маданият социологияси маданият борлиқ, маданият кадриятлар.

Аннотация: В данной статье рассматриваются актуальные вопросы современной культурологии, связанные с её значением с основными селями и задачами в обществе.

Ключевые слова: культура, история и теория культуры, культурная деятельность, культурные процессы, культурные категории, культурология, культурная стабильность, культурное существование, культурные ценности, культурное пространство.

Annotation: This article discusses the importance of modern cultural studies, its current topics, main goals and tasks.

Keywords: culture, cultural history and theory, cultural activity, cultural processes, cultural categories, cultural studies, cultural stability, cultural existence, cultural values, cultural space.

Бугунги кунда юртимизда тараккий этиб келаётган маданият соҳаси ҳақида гап кетар экан, бу ҳақидаги билимларни кўпгина манбалардан излаб топишимиз зарурати туғилмоқда. Кундалик ҳаётда бир нечта объектлар ва маданият ҳодисалар инсон учун аниқ, таниш ва тушунарли бўлиб кўзга ташланади. Лекин бу ҳар бир инсон ҳар қандай маданият ҳодисанинг чуқурлигини англайди, унинг роли ва маъно-мазмунини, кадр-қимматини тўғри баҳолай олади, дегани эмас. Кундалик онг доирасида қолган инсон кўп ҳолларда ўз атрофидаги нарса ва ҳодисаларни юзаки тарзда идрок қилади, доим ҳам уларнинг моҳиятини тўлиқ ифода қила олмайди. Ҳақиқий билим ва асосли бўлган мулоҳазалар ҳар бир маданият ҳодисани яхлит ҳолда кўриб чиқишда унинг сабалари, манбаларини, ривожланиш босқичларини ва шунингдек, фаолият кўрсатишнинг мумкин бўлган натижалари аниқлангандагина пайдо бўлади. Маданиятшунослик эса айна шу каби масалаларни тадқиқ қилишда муҳим роль ўйнайди.

Кенг маънода маданиятшунослик бу - фанлар мажмуаси сифатида алоҳида фанлар йиғиндиси, шунингдек, маданият ҳақидаги илоҳиёт ва фалсафий тушунчаларни англашчи жамоавий тушунчадир. Бошқача қилиб айтганда, маданиятшунослик бу – маданият, унинг тарихи ва моҳияти, фаолият кўрсатиши, ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги барча таълимотлар бўлиб, улар маданият ҳодисасини тушунишнинг турли хил вариантларини тақдим этган олимларнинг асарларида учрайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маданиятшунослик предмети яхлитликни ташкил этади ва у турли хил фанлар жумладан:

- **маданият тарихи** - қадим тарихда мавжуд бўлган кўплаб маданият қарашларини, маданият тушунчаларини ўрганадиган маданиятшунослик тарихини, яъни, инсоният яратилган ибтидоий жамоа тузумидан то бугунги инсоният таракқиёти давригача давом этиб келаётган маданият ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Ҳар бир маданиятни ўзига хос равишда таҳлил қилади, шунингдек, маданиятларни бир-бири билан солиштиради,

уларнинг ўзаро алоқадорлигини ва ўзаро бир-бири билан боғлиқ жиҳатларини ифодалайди, меъёр даражасини белгилайди, билим ва кўникмаларини анъаналари бўйича таҳлил қилади.

- **маданият социологияси** – бу тушнча тушунча социологик жараённинг мураккаб бўлган шакллари, яъни, аклий (рационал) ва маънавий-маданий ҳаётни, бадиий санъат турини, инсоннинг илоҳий куч – қудрат манбаи бўлган дин соҳасини, фанни таҳлил этишга қобилиятсиз бўлган позитивистик социологиянинг назарий-методологик чегараланганлигига акс таъсир сифатида вужудга келган. Бунда одамларнинг интеллектуал салоҳияти, этик-эстетик сифатлари, амалий кизиқиш ҳамда эҳтиёжи муҳим аҳамият касб этади. Бунда эса кўпгина маданий жараёнларнинг инсонлар жамиятнинг турли шаклларига боғлиқлигини тушунишга имкон беради. У турли хилдаги ижтимоий ахборотларни тўплаш, уни қайта ишлаш ва анализ қилиш билан боғлиқ ҳолда маданий жараёнларни эмпирик ўрганишни ўз ичига олган маданий билимларнинг бир қисмини ташкил қилади;

- **маданий экология** – бу тушунча ўзининг манфаатларида табиат билан инсон ўртасидаги қатор масалаларни ўз ичига камраб олади. Зеро, маданият инсон томонидан яратилган сунъий муҳит бўлиб, у табиат дунёси ва инсоннинг табиий яшаш муҳити билан жуда мураккаб ва наоник муносабатларга эгадир. Шу маънода маданиятшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири, инсоннинг ташқи дунё билан фаол алоқаларини, табиатнинг ҳаёт тарзига таъсирини, одамларнинг меъёрлари ва қадриятларини, маданият турларини ўрганишдан иборатдир;

- **маданият психологияси** - яъни инсоннинг диққат марказига психологик-маданий омилларни сабаб қилиб қўяди. Уни маданият билан бирга таништириш жараёни, маданий нормаларни ўзлаштириш ва ўз халқининг урф-одатлари, маданий қадриятларини асос қилиб олади. Бундан ташқари, маданият турларининг миллийлигини, турмуш тарзини ўрганишга катта эътиборни қаратади. Турли миллат ва элатларнинг маданий ривож топишининг умумий қонуниятларини, шунингдек, дунё халқларининг таркиби, келиб чиқиши, этник бирлиги, яшаш макони ва маданий-тарихий муносабатларини, уларнинг моддий ва маънавий маданиятини ўрганувчи этнологиясини тадқиқ қилувчи қисмини ўрғанади.

Маданиятшуносликнинг мустақил фан сифатидаги ўрни маданиятни ўрганувчи турли фанлар мажмуи сифатида намоён бўлади. Бу вариантда уни маданият фалсафаси, маданият социологияси, маданий антропология ва бошқа ўрта даражадаги назариялар билан аниқлаш мумкин. Маданиятшунослик ўзининг ўрганиш предмети бўлиб, қайд этиб ўтилган фанларнинг ажралмас қисмига айланишга улгурди.

Кўпчилик маданиятшунослик мавзусини тор доирада тушунади ва ифодалайди. Лекин аслида маданиятшунослик фани катта доирадаги соҳа ҳисобланади. Бундай тор доирадаги ёндашув билан маданиятшунослик ўзининг умумлашмаларига, ҳулосаларига асосланган ҳолда, бадиий маданият назарияси, маданият тарихи ва маданият ҳақидаги бошқа маҳсул фанлар каби унинг аниқ соҳа ҳақидаги билимларга асосланиб, маданиятнинг умумий назарияси вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб маданиятшунослик умумий назарий фан бўлиб, ижтимоий-гуманитар билимларнинг турли соҳалари синтезини ифодалайди. Маданиятшуносликнинг предмети асосан маданиятнинг турли томонларини ўрганишда қўлланиладиган методологик тамойиллар ва турли маданий ҳодисаларнинг эмпирик материаллари билан белгиланади. Бу эса шуни англатадики, маданиятшунослик фанининг предмети тирик табиат олаmidан фарқ қилувчи, ўзига хос инсоний ҳаёт тарзи сифатида маданиятнинг келиб чиқиши, фаолияти, тараққий этиш масалалари йиғиндисидир. У инсониятнинг барча маълум маданиятларида мавжуд бўлган маданий ривожланишнинг энг умумий қонуниятларини, унинг намоён бўлиш шаклларини ўрганиш учун мўлжалланган.

Маданиятшуносликнинг асосий функциялари қуйидагиларда намоён бўлади:

- энг чуқур, тўлиқ ва яхлит ҳажмдаги маданиятдир, унинг мазмун-моҳияти, хусусиятлари ва вазифаларини оидинлаштириш;

- яхлит ҳолдаги маданият генезиси (пайдо бўлиши ва таракқий этиши), шунингдек, маданиятдаги алоҳида ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш;
- инсоннинг маданий жараёнлардаги ўрни ва ролини аниқлаш;
- ўрганишнинг категориявий аппарати, усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш ва маданий кадриятлар мисолида таҳлил этиш;
- маданиятни ўрганувчи бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш;
- санъат, фалсафа, дин ва илмий бўлмаган соҳалардан келиб чиқадиган маданият ҳақидаги маълумотларни тадқиқ қилиш;
- индивидуал маданиятларнинг ривожланишини ўрганишдан иборатдир.

Маданиятшуносликнинг мақсади - маданиятни яхлит ҳолда бутунлигича ўрганиш, унинг асосида маданият тушунчаси шаклланади. Бунинг учун эса зарурий тарзда аниқлаш ва таҳлил қилиш керак бўлади:

- биргаликда маданий тизимни ташкил этувчи маданиятга оид фактларни ва экскурсия ҳодисаларини кўздан кечириш;
- маданий элементлар ўртасидаги муносабатларни текшириб чиқиш;
- маданий тизимлар динамикасини аниқлаш;
- маданият ҳодисаларини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш усуллари;
- маданият турлари ва уларнинг асосий меъёрлари, кадриятлари, рамзлари (маданий кодлар) орқали таснифлаш;
- маданий кодлар ва улар ўртасидаги алоқаларни ўрганиш.

Маданиятшунослик фанининг предмети, унинг вазифа ва мақсадлари, уларнинг ҳар бири ўз навбатида, чуқурроқ ўрганишни талаб қилади. Бу эса маданиятшуносликнинг юқорида тавсифланган алоҳида таркибий қисмлари томонидан амалга оширилади.

Мазкур фаннинг диққат-марказида инсоният фаолиятини ижтимоий-маданий ташкил этиш ва тартибга солиш механизмлари унинг мотивацияси нуктаи назаридан ўрганилади ва тартибга солинади.

Бундан ташқари, маданият ҳақидаги фан инсон таълим-тарбияси ёрдами билан амалга ошириладиган, маданий маълумотларни ишлаб чиқарадиган, сақлайдиган ва узатувчи маданият муассасалари тизими фаолиятини ҳам ўрганади. Ўз навбатида бу ниҳоятда кенг доирани камраб олувчи маданий макондаги алоқалар, муносабатлар ва турли фаолият шакллари умумий мажмуини ўрганишни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган таракқий стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2021 й, 4-сон*). www.lex.uz.
 2. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: Маънавият, 2006. 304.
 3. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2009. –Б. 678.
 4. Қ.Назаров. Аксиология (Қадриятлар фалсафаси) тажрибавий қўлланма.-Т.: Академия, 201. 204-б.
 5. Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси комуси. 1 ва 2 жилдлар –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2021.
- Г.Нишонбоева. Мустақиллик даври маданияти.–Т.:Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2023. – Б. 9

MUNDARIJA:

Муҳаррир Шабари	Тафаккур хазинасидан: Тош битиклар - туркий битиклар	2
Бекмуродов	Янги Ўзбекистон: фуқароларнинг тафаккур қилиш салоҳияти	6
Исмаилова	Янги Ўзбекистон таълим тизимида сифат ва самарадорлик –	10
Ҳориев	ўқитувчининг касбий маҳорати омили	
Абилов	Янги Ўзбекистонда кўп миллатлилик ва турмуш тарзи тамойиллари	16
Ҳакимов	Янги Ўзбекистонда олий таълим тараккиёти	20
Қуроноқ	Миллий тарбия - ижтимоий-тарихий, қонуний ва объектив жарён сифатида	24
Насепова	Yangilanayotgan jamiyat rivojida ayollarning faolligi va o'rni	29
Шарипова	Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг антропологик ва онтологик қарашлари	33
Наврўзова	Баҳоуддин Накшбанд рубойларида уйғунлик масаласи	37
Амридинова	Абдуқодир Шақурийнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари	40
Мадаева	Абдурауф Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида миллий концептуал қарашлар	45
Марқулов	Инсон фаолиятида вақтнинг ўрни ва роли	49
Амраев	Янги Ўзбекистонда мулкдорлик тамойилларини ўрганишнинг фалсафий масалалари	52
Джалилов	Толерантлик – маънавий қадрият	56
Тоҳтаев	Aksiologiya qonunlari amaliyotini optimallashtirish va demokratik islohotlarni chuqurlashtirish dialektikasi	61
Ҳадабердиев	Yoshlarning ma'naviy tarbiyasi va axborot madaniyatini yuksaltirish omillari	66
Нарқулов	Янги Ўзбекистоннинг демократик тараккиёти ва этнотафаккурдаги янгиланишлар	71
Олдашев	Хитойнинг марказий осийё бўйича янги сиёсати (иқтисодий-сиёсий жиҳатлар)	74
Шонбоева	Маданиятшунослик мустақил фан сифатида	78
Алавова	“Маданий тараккиёт динамикаси” тушунчасининг намоён бўлиш хусусиятлари	81
Ҳимов	Muhandis faoliyatida muhandislik etikasining ahamiyati	85
Ҳажидов	Шахснинг ижтимоий фаоллигини ривожлантириш омили	89
Ҳарбўтайев	«Миллий тикланиш» тушунчаси, унинг ижтимоий-фалсафий таҳлили	93
Ҳамудов	Шахс камолотида миллат ва миллий мансублик омили	96